

QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston
Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 44 (7.193). Sotuvda erkin narxda

Бугунги сонда:

Ислохот
самараси



(3-бетда)

Томчисида
ҳаёт
акси бор

Меҳр
сўралмайди



(4-бетда)

2007 йил - «Ижтимоий ҳимоя йили»

Оқибат... Манзили макони қаерда унинг?! Саховат-пеша юртдошларимизнинг қалбида, юрагида эмасми? Кўнгил қўриқхонасининг ноёб оҳуши сингари бебаҳо эмасми бу эзгу қадрият? Айтишларича, ўзга тилларда айнан шу қадриятнинг мазмунини ифодалайдиган сўзнинг ўзи йўқ экан. Тўғри, дунё фалсафасида бу атаманинг юзлаб илмий талқинлари ишлаб чиқилган. Аммо ҳалқимизнинг деҳқонча, жайдаргина фалсафасида оқибат тушунчаси шундай теран ва ўзига хос моҳият касб этадики...

Оқибатли одамлар

Наврўз арафасида Қашашида бўлиб, туман ижтимоий таъминот бўлимининг қуюнчақ мудираси Саодат Ҳамидованинг таъбири билан айтганда «Кичик ҳажмда қариялар уйи» фаолияти билан танишар эканман, ҳаёлимда мана шу ўй чарх урди. Туман ҳокимлиги биносининг ёнгинасида жойлашган бу кўркам бино ўн уч йил муқаддам ҳашар йўли билан бунёд этилган экан.

Дастлаб бу муассасани «Елғизлар мулоқот маркази» тарзида ташкил этгандик, - дейди Саодат опа. - Туманимизда саховатпеша инсон кўп, барака топишсин, жуда катта ёрдам беришди. Ҳашарда ҳикмат кўп-да. Утган йили ноябрь ойида бу ерда республика семинарини ўтказдик. Мамлакатнинг турли бурчақларидан, пойтахтдан келган мутахассисларнинг хайратини кўрсатгиз.

«Нахотки шуларнинг ҳаммаси ҳашар билан қилинган?» дейишди. Таърибимизнинг республика бўйича омаллаштирадиган бўлиши.

Опа билан бирга марказни айланимиз. Бир-биридан шинам, озода, саранжом-саршиш хоналари кўриб, кўзингиз қувнайди. Бу ерда жами 12 киши истикомат қилаётган экан. Отахону онахонлар учун уйидагидан зиёда шарт-шароитлар мўжайё. Ҳар бир секциянинг алоҳида ошхонаси бор. Мўъжазгина «Маънавият ва маърифат» хонаси ҳам кексалар хизматида.

Момо-буваларимизнинг аксарияти ҳеч кими йўқ, ёлғиз қариялар, - дейди марказ ижтимоий хизмат ходими Аҳмад Тўраева. - Аммо уларни асло ёлғизлатиб қўймаймиз. Уларни йиғиштирамиз, тозалаймиз. Ширин овқатлар пишириб берамиз. Момолар ҳам қараб туришамиз. Ошхонада кўнгиллари тусган таомларини тайёрлашди.

Туман марказий касалхонаси қарияларимизни оталиққа олган, - дейди ҳамшира Лола Ботирова. - Уларнинг саломатликлари қатъий назоратда. Вақтида тиббий қўриқдан ўтишди. Поликлиника томонидан дори-дармонлар текин берилади.

Био атрофидаги кенг майдонда қариялар боғи барпо

Нурриддин ЭҒАМОВ

Соҳибқиронга эҳтиром

Юртимизда бобомиз Амир Темури таваллудининг 671 йиллиги кенг нишонланаётган. Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги Соҳибқирон номи билан аталувчи ҳиббонда бўлиб ўтди.

Бу ерга ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаятган хорижий дипломатик корпус вакиллари йиғилдилар.

Тадбирда Амир Темури жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али, тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов, кураш бўйича 2006 йилги жаҳон чемпиони, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти аспиранти Шерзод Мирзанов, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети талабаси, Алишер Навоий стипендияси соҳибаси Севинч Улашева мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз хотирасини

тиклаш ва абадийлаштириш, халқимизни уларнинг бой маънавий меросидан баҳраманд этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляётганини алоҳида таъкидладилар.

Соҳибқирон улуғлаган ва ўзининг ҳаётий шioriға айлантирган ҳамжихатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, адолат, мурувват, саховат каби эзгу ва олижаноб амаллар ҳаётимизнинг мазмун-моҳияти, фаолиятимизнинг бош мезонига айланди. Бу жиҳатлар давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган 2007 йилда ўзининг янада кенг ифодасини топмоқда.

Фахр

Тадбирда таъкидланганидек, Соҳибқирон таваллудининг 671 йиллик тантаналари Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйига улашиб кетишда раъзий маъно муҳасам. Зотан, Амир Темури ва теурийлар даврида ушбу шаҳарда илм-фан, маданият гуллаб-яшнаган. Рўйи замин сайқалига айланган Самарқанд жаҳон цивилизацияси ривожига муносиб хисса қўшган маънавият ва маърифат бешиги сифатида дунёда шўхрат қозongan.

Тантана иштирокчилари Амир Темури хайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.



Ижтимоий масалаларни қўлаб-қувватлашга ҳар томонлама ёндашув

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан мамлакатларнинг эксперт ва таҳлилчилари, ижтимоий-сиёсий ҳамада иқтисодий доиралари вакиллари қизгин шарҳламоқда.

Улар «Бу муҳим ҳужжат фуқароларнинг, айниқса, ёрдамга муҳтож аҳоли қатламлари ва ижтимоий хизмат ходимларининг фаровонлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ечиш борасида мамлакат раҳбариятининг ҳар томонлама ёндашувини яна бир бор таъкидлайди», дея таъкидлашмоқда.

Хусусан, мазкур Фармон хусусида тўхталар экан, РФ сиёсий конъюнктура маркази эксперти Евгений Войко «Ушбу ҳужжат Ўзбекистон раҳбариятининг аҳолининг барча қатламлари, айниқса, эҳтиёжмандларнинг турмуш даражасини оширишда том маънода ўз ақсини топаётган демократик ўзгаришларни жадаллаштириш бўйича тугатган йўлининг мантиқий бир қисми бўлди», деб таъкидлади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Фармон нафақат эҳтиёжманд аҳоли қатламлари, балки ўзининг қўндалик меҳнати билан уларга ғам-хўрлик кўрсатаётган хизматчи ходимларни ҳам қамраб олгани билан ижтимоий ҳимоя муаммоларини ҳал этишга ҳар томонлама ёндашिलाётганидан далолат беради, - деди россиялик эксперт.

Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатлари бўйича эксперт, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Со Гон-Йинг қайд этишича, «Истиклолга эришган Ўзбекистонда ўтган йиллар мобайнида кучли ижтимоий сиёсат юритишга мамлакат раҳбарияти катта эътибор қаратиб келмоқда».

Айнан шу боис Ўзбекистонда ҳар янги йилнинг ўз номи борки, бунда мамлакат ижтимоий ҳаётининг муайян бир муҳим йўналишига алоҳида эътибор қаратилади ва унинг доира-сида кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилади, - деди корейлик дипломат.

Мен Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси бўлиб ишлаган киши сифатида шуни тасдиқлайманки, Президент Ислам Каримов мустақилликнинг энг қийин бўлган йилларида ҳам ижтимоий ҳимояга, ҳам ижтимоий васийлик ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг бир маромада фаолият юритиши сингари масалаларга алоҳида эътибор қаратган.

Франциядаги Олий бошқариш институти бошқарувининг аъзоси Жан Мадер Ўзбекистонда амалга ошириляётган ижтимоий ислохотларнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида тўхталиб, ижтимоий субсидиянинг аниқ йўналиштирилиши таъминлига эътибор қаратди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов мазкур Фармони аҳолининг турли қатламлари ўртасидаги ўзаро муносабатда ижтимоий адолатни ҳамда улар турмуш даражаси юксалишини таъминлашга қаратилгандир, - деди французлик олим. - Қайси соҳада бўлмасин, барча ислохотлар муваффақият қилинган иқтисодий ҳолати билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон иқтисодиётининг юксак ўсиш суръатлари нуфузли халқаро институтилар, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси томонидан тасдиқланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов мазкур Фармони аҳолининг турли қатламлари ўртасидаги ўзаро муносабатда ижтимоий адолатни ҳамда улар турмуш даражаси юксалишини таъминлашга қаратилгандир, - деди французлик олим. - Қайси соҳада бўлмасин, барча ислохотлар муваффақият қилинган иқтисодий ҳолати билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон иқтисодиётининг юксак ўсиш суръатлари нуфузли халқаро институтилар, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси томонидан тасдиқланмоқда.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов мазкур Фармони аҳолининг турли қатламлари ўртасидаги ўзаро муносабатда ижтимоий адолатни ҳамда улар турмуш даражаси юксалишини таъминлашга қаратилгандир, - деди французлик олим. - Қайси соҳада бўлмасин, барча ислохотлар муваффақият қилинган иқтисодий ҳолати билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон иқтисодиётининг юксак ўсиш суръатлари нуфузли халқаро институтилар, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси томонидан тасдиқланмоқда.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов мазкур Фармони аҳолининг турли қатламлари ўртасидаги ўзаро муносабатда ижтимоий адолатни ҳамда улар турмуш даражаси юксалишини таъминлашга қаратилгандир, - деди французлик олим. - Қайси соҳада бўлмасин, барча ислохотлар муваффақият қилинган иқтисодий ҳолати билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон иқтисодиётининг юксак ўсиш суръатлари нуфузли халқаро институтилар, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси томонидан тасдиқланмоқда.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов мазкур Фармони аҳолининг турли қатламлари ўртасидаги ўзаро муносабатда ижтимоий адолатни ҳамда улар турмуш даражаси юксалишини таъминлашга қаратилгандир, - деди французлик олим. - Қайси соҳада бўлмасин, барча ислохотлар муваффақият қилинган иқтисодий ҳолати билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон иқтисодиётининг юксак ўсиш суръатлари нуфузли халқаро институтилар, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси томонидан тасдиқланмоқда.

Иқлим



Яна ёмғир ёғадими?

Эрта билан ишга, ўқишга отланар эканмиз, бирров осмонга хавотирланиб қараймиз. Ёмғир бугун ҳам ёғармикан? Бу саволга Ўзбекистон гидрометеорология маркази ходимлари шундай жавоб беради.

Бугун республикаимизда ҳаво ўзгариб туради. Баъзи туманларда ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 5-10 даража, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади. Тоғли туманларда қор қўшиш хавфи бор.

11 апрель кўни ёлғизчилик қўлимайди. Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларида ҳаво бўғулли бўлиб, ёмғир ёғиб ўтиш эҳтимоли бор. Ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 7-12 даража иссиқ бўлади.

12-14 апрель кўнлари ҳаво очик бўлади.

Тоғли туманларда ғарбдан эсаятган шамол йўналишини ўзгаришиб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади.

Ушбу кўнлари тоғли туманларда ҳаво ўзгариб туради. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади, туман тушади. 12-14 апрель кўнлари ҳарорат кечаси 8-13 даража илқ, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Шамол шарқдан секундида 15-20 метр тезликда эсади. Республикаимиз жанубида ҳарорат 28-33 даража иссиқ бўлиши башорат қилинапти.

А.КУЛМУРДОВ тайёрлади.

Барҳаёт наволар фестивали якунланди

Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусикали комедия ва драма театрида ўлан ва лапар ижрочилари II кўрик-фестивалининг республика босқичи якунланди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур фестивалда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 150 нафар ижрочи иштирок этди.

Халқимизнинг инъияти, оғзаки ҳамада қадимий-ҳазиллиб туради. Хусусан, миллий куй-қўшиқлар, ўлан ва лапарлар барҳаёт, умрбоқий меросидир.

Уч кун давом этган мазкур фестивал иштирокчилари мамлакатимизнинг турли ҳудудларида асрлар буйи сайқал топиб, тилдан тилга ўтиб келаётган қадимий лапар ва ўланларни ижро этиб, фольклор меросимизнинг нечоғли бой ҳамда ранг-баранг эканини намоиш этдилар.

Фестивалнинг якуний натижаларига кўра, лапар ижрочилиги бўйича Наманган вилояти бадийий жамоаси олий ўринга муносиб топилди. Фарғона вилояти лапарчилари биринчи, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилояти вакиллари иккинчи, Бухоро ва Самарқанд вилояти фольклор жамоалари учинчи ўринни қўлга киритди.

Уланчилар баҳсида эса олий ўрин андижонликларга насиб этди. Жиззах вилояти вакиллари биринчи, Сурхондарё вилоятининг фольклор этнографик жамоаси ва Навоий вилояти ўланчилари иккинчи ўринни эғлади. Хоразм ва Қашқадарё вилояти вакиллари учинчи ўринга лойиқ топилди.

Хабар

Ҳамкорлик

Навоий шаҳрида «TAAEL POLIMER SINTEZ» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси ишга туширилди. Корхонада 60 литргача бўлган суюқлик, кимёвий эритма ва бошқа маҳсулотлар сақланадиган пластмасса идиш-канистрлар ишлаб чиқарилади.

Пойтахтимиздаги «Синтез» масъулияти чекланган жамияти, «Навоийазот» очик акциядорлик жамияти ҳамда Эрон Ислам Республикасининг «TAAEL MASHHAD LTD.CO»

Янги қўшма корхона

компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур корхонага замонавий хориж технологиялари ўрнатилди. Корхона учун зарур хом ашё Қашқадарёдаги «Шўртангаз» кимё мажмуидан келтирилмоқда.

Корхонада ишлаб чиқариляётган идишлар мустаҳкамлиги, фойдаланиш муддатининг узоклиги, нисбатан арзонлиги билан ажралиб туради. Бу ерда бир суткада турли ҳажмдаги 400 донна канистр тайёрланади.

Маҳсулотларимизнинг тўқсон фоиздан ортиғи Россия, Эрон, Покистон, Қозоғистон, Тожикистонга экспорт қилинапти, - дейди қўшма корхона бош директори Мухаммад Ҳақийқ. - Қолгани эса ички бозорда сотилмоқда. Бу канистрлар фермер хўжаликлари учун ҳам қўл келяпти. Тез орада сизими 10 килограммгача бўлган пластмасса қутилар, сут бидонлари ишлаб чиқаришни ҳам бошлаймиз.

Корхонада ҳозирги кунда 26 киши меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқариш линиялари кенгайтирилган, улар сағида яна ўнлаб йигит-қизлар қўшилади.

ЎЗА

2

Дунё саҳнасида

26,5% 24,7% 20% 15%


НИКОЛА САРКОЗИ СИГОЛЕН РУАЯЛЬ ФРАНСУА БАЙРУ ЖАН-МАРИ ЛЕ ПЭН

МУКА выс. сорт	306,7 ▼ - 11,1	МУКА 1 сорт	225,4 ▲ + 0,7	МУКА 2 сорт	208,3 ▲ + 4,9	ПОЛИЭТИЛЕН I-0754	1004,4 ▼ - 7,3	ПОЛИЭТИЛЕН I-0760	1090,6 ▼ - 107,3	ПОЛИЭТИЛЕН I-1561	1126,3 ▼ - 23,0	КАРБАМИД	196,2 ▼ - 20,3
----------------	----------------	-------------	---------------	-------------	---------------	-------------------	----------------	-------------------	------------------	-------------------	-----------------	----------	----------------

«САНОАТҚУРИЛИШБАНК»:

Кредит ҳисобига янги иш ўринлари

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган аксарият жамоалар иқтисодий жиҳатдан тобора юксалишмоқда. Албатта, бунга пахта, галла ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашнинг шартнома режалари ўз вақтида бажарилаётгани асосий омил бўлаяпти. Муваффақиятларда тармоққа молиявий хизмат кўрсатишга бел боғлаган бир қатор молия муассасалари, шу жумладан, «Ўзсаноатқурилишбанк» Қорақалпоғистон минтақавий филиалининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.



Ҳозирги кунда банклар томонидан муомалага чиқарилаётган пластик картчаларнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, улар мижоз хоҳишига қараб танланиши мумкин.

Масалан, шахсий корпоратив, дебит ва кредит пластик картчалардан турли шаклларда фойдаланиш йўлга қўйилган.

Вазирлар Мақмасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик картчалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирларини тўғрисида»-ги қарори айнаи пластик картчалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш, улар орқали тўловларни амалга ошириш бўйича қулайликлар яратиш ва аҳолининг банклардаги жамғармаларини янада қўлайтиришни таъминлашга қаратилган.

Хукумат қарорини бажариш мақсадида Қорақалпоғистон минтақавий филиалида 79 та — шу жумладан, Нукус филиалида 25 та, Тахиятош филиалида 27 та, Кўнғирот филиалида 27 та терминал ҳамда битта банкомат ишлаб турибди. Бундан ташқари, темир йўл ва авиакассада 2 дон, автотомобилларга ёқилги қўйиш шохобчаларида 6 дон, савдо-пуллик хизмат кўрсатиш масканларида 58 та, алоқа

бўлимида (Кктелеком) 2 та ҳамда банк жамғарма кассаларида 11 та терминал мавжуд. Шунингдек, минибанклар ва жамғарма кассаларида картча тизимини, савдо шохобчаларида эса пластик картчалар орқали тўловларни амалга оширишни жорий қилиш ва кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Молия муассасаси томонидан 2006 йил давомида 47902 дон пластик картча муомалага чиқарилиб, улардаги тушум 491,4 миллион сўмни ташкил этди. Жумладан, бу кўрсаткич Нукус филиалида 253,5 миллион, Тахиятош филиалида 55,6 миллион, Кўнғирот филиалида 182,3 миллион сўмдан тўри келди. Шундай қилиб 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига қўра, пластик картчалардаги қолдиқ 147,9 миллион сўмни ташкил қилди.

Пластик картчалар жорий этилган, терминаллар ўрнатилган савдо нўталарида товар айланмаси икки бараварга ошди. Бугунги кунда, коммунал тўловларнинг асосий қисми терминаллар

орқали амалга оширилмоқда. Корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчиларига иш ҳақи беришда нақд пулга эҳтиёж қисман камайди. Банк ходимларининг бу борадаги малакаси мунтазам равишда семинарлар ўтказилиши билан ошиб бermoқда.

— Пластик картча барча тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг энг қўлай ва маъқул шаклидир, — дейди «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиали бошлиғи Танатар Топлов. — Натижада, миқдорлар бундан тезда фахрлаб олишмоқда. Ниятимиз, бу қўлай усул афзалликлари миқдорларга тушунтириш ишлари қўламини кенгайтириш.

— Республика Президентининг «Нақд пул маблағларини тақомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ҳамда «Банкларда ҳисоб-китоблардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш қарорлари тўғрисида»-ги қарорлари ижроси-

чи аҳолига, кичик корхоналар ва деҳқон фермер ҳўжалиқларига банк хизматларини кўрсатишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида очилган минибанклар сони йил сайин қўпаймоқда. Шу жумладан, фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепциясига асосан фермер ҳўжалиқларига хизмат кўрсатувчи минибанкларда барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

— Минтақавий филиалимизда пул маблағларини тежорат йўналтиришни, ҳисоб-китобларни пухта олиб бориш таъминлайдиган «Мини-

банк» дастури амалга оширилмоқда, — дея сўзида давом этди суҳбатдошимиз. — Минибанклар томонидан хизмат кўрсатилаётган фермер ҳўжалиқларига 2006 йил давомида Ўзбекистон Адлия Вазирлигининг 2005 йил 11 августда 1508-сон билан рўйхатдан ўтган, «Қишлоқ ҳўжалик корхоналари ҳукумат зарурлиги учун сотиб олинган пахта

лари 1640 миллион сўмни ташкил қилди. Натижада, ушбу соҳага ажратилган кредитлар ҳисобига қўшимча 599 та янги иш ўринлари яратиб берилди.

Иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш аввалгидек банк фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб қолди ва кредит маблағларнинг 73,5 фоизи ушбу соҳага йўналтириб берилди. Кредит операцияларининг ишончилигини ошириш ҳамда уларнинг самарадорлигини ўстириш мақсадида қўйилмалар тўсилмаси банк кредит сис-темининг асосини ташкил этди. Бу мавсумда ҳам минтақавий филиалининг кредит қўйилмалари ўзининг муваффақиятли фаолиятини давом эттирмоқда. Банкининг кредит



қўйилмалари (2007 йил 1 январьга) 8067 миллион сўмни ташкил этди. Ҳисобот даврида филиал томонидан 6643 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Айни пайтда минтақавий филиал тасарруфидатахиятош, Кўнғирот филиали, 3 та амалиёт, 11 та жамғарма кассаси, 7 та валюта айирбошлаш шохобчаси, 7 та минибанк ҳамда капитал тўловлар қабул қилиш учун 3 та махсус жамғарма кассалари фаолият кўрсатиб турибди.

Йил давомида жойларда ҳар бир бўлим ва бўлинмалар фаолияти обдон ўрганилиб, иқтисодий аҳолини таҳлил этиб бориш йўлга қўйилган. Зарур пайтда мижозларга малакали хизмат кўрсата олмаган, омонатчилар билан ишлашга маъсулият билан ёндашмаган ходимларга нисбатан жиддий чоралар қўрилмоқда.

Сирасини айтганда, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қорақалпоғистон минтақавий филиали ишни замон талаблари даражасида ташкил этилган сабабли ҳам ўз олдида қўйган мақсадга эришмоқда.

Ўлғубек ЖУМАЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Хабарлар

КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:

Меҳнат ярмаркаси

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ишларига жиддий эътибор қаратилаётган Кўнғирот туманида яқинда меҳнат ярмаркасида бўлиб ўтди.

Тумандаги 35 та корхона ва ташкилотлар ўз бўш иш ўринлари билан иштирок этган ушбу меҳнат ярмаркасида туман меҳнат, аҳолисини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига мурожаат қилган 197 та фуқаронинг 150 нафари иш билан таъминланди.

Сифатли уруғ барака омили

Беруний пахта тозалаш корхонаси тасарруфида уруғлик тайёрлаш бўйича янги цех ишга туширилган эди. Мавсумда 3,5 минг тонна сара уруғлик чигит тайёрлайдиган маъзур цех Тўртқўл, Элликқалъа, Беруний туманлари деҳқонларининг оғирини енгил қилмоқда. Корхонада бу йил 28280 тонна пахта хирмонни яратишга бел боғлаган 674 та фермер ҳўжалиқлари билан шартнома тузилиб, жорий ишлар қизғин давом эттирилмоқда.

Ҳидоят АХМЕДОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

ҚАШҚАДАРЁ:

Театрлар фестивали

Вилоят ҳокимининг қарорига биноан, Қашқадарёда 29 мартдан 1 майгача театрлар фестивали ўтказилмоқда.

Маънавий тарғибот ишларида театр санъатининг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида ўтказилаётган мазкур фестивалда Муллайтичи Тошмуҳаммадов номли мусикали драма театри, вилоят кўғирчоқ театри, «Эски масжид», «Мулоқот» театр студиялари ва Шаҳрисабз халқ театри жамоалари иштирок этишди.

Фестивал тадбирларидан воқоадаги қўлаб қишлоқ ва маҳаллалар аҳли, корхона, ташкилот, ўқув юртли ва турли муассасалар баҳраманд бўладилар.

Давра суҳбати

Вилоят ахборот-кутубхона марказида гиёҳванд моддаларнинг зарари мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида гиёҳванд моддалар қабул қилишга барҳам бериш орқали ОИТСга чалинишни қисқартиришга эриш хусусида сўз юритилди.

Давра суҳбатидан ишонч хоналар фаолиятини янада кенгайтириш, шу билан бирга, соғлиқни сақлаш, ички ишлар идоралари ходимлари, фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамкорлигини мустаҳкамлаб, гиёҳвандликнинг аянчи оқибатларини ҳақида тушунтириш ишларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Фахриддин БОЗОРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

СУРХОНДАРЁ:

Янги коллеж қурилмоқда

Бойсун туманида замонавий типдаги маънавий хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи қурилмоқда. Қурилиш вилоят ҳокимлиги қошидаги ягона буюртмачи инженеринг компанияси буюртмасига қўра 256-ҳўжалиқларо механизациялашган кўча жамланма масъулият чекланган жамият қурувчилари олиб боришмоқда.

540 ўринга мўлжалланган коллеж қурилишида ҳозиргача 850 миллион сўмлик қурилиш-пайвандлаш ишлари бажарилиб, Коллежни барпо этиш учун ҳам 2 миллиард 1 миллион сўм маблағ ажратилган.

Менгюр ОЛЛОМУРОДОВ

ТОШКЕНТ:

Авлодлар ёди бардавом

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги Қуролли қучлари ҳарбий музейида буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темури туғилган кун муносабати билан «Ватанин севмоқ имондандир» мавзусида маънавий-маърифий учрашув ўтказилди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Амир Темури илмий экспедицияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тарихчи олимлар, ёзувчи ва ҳарбий мутахассислар иштирок этди.

«Туркистон-пресс»

Ўсимлик ҳам жонли мавжудот. У худди инсон сингари ҳасталанади, «давоиланиш» муҳтож бўлади. Наботот оламига мансуб дов-дарактлар, ўсимликларнинг барқ уриб ривожланишида турли касалликларни кўзгоғич замбуруғ ҳамда бошқа жонотларга қарши етарли равишда курашишни, яъни иммунитетга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўз соҳасининг билимдони

Агар у шундай имкониятга эга бўлмаса, «касал»га чалинади, ўсишдан орқада қолади, охир-оқибатда қуриши ёки берадиган ҳосилидан барака кетиши тайин. Шу боис, қишлоқ ҳўжалиги фанига дахлдор олимлар ўсимликлар генетикаси, физиологияси, биохимияси, турли касалликларга қарши курашиш масалаларига алоҳида диққат-эътибор қаратиб келмоқдалар. Биология фанлари доктори, профессор Мажида Ҳошиммуродовна Авазхўжаев қарийб ярим асрдан бери айнан шу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориб, салмоқли натижаларга эришяпти.

Унинг илмий фаолиятига назар ташласак, наботот оламининг ўзига хос жиҳатларини чуқур ўрганиб, ўсимликларнинг касалликларга қарши курашишида муҳим омил бўлувчи био-препаратлар, стимуляторлар ва бошқа воситаларни яратиш йўлида изланиб келаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

М.Авазхўжаевнинг ҳаётининг ҳаёт тон-фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти билан ҳамкорлик қилиб, шу ерда узок йиллар давомида лаборатория мудир, директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари ва бошқа масъул вазифаларда сидқидил меҳнат қилиб, илм-фан раванқига муносиб улуш қўшиб келаяпти. Олим раҳбарлигида бўлган «АН-Боев-2», «Оқ олтин» ва бошқа навлари тўқималаридан ферментлик хусусиятига эга бўлган препаратлар ажратиб олинган. Шунингдек, бўлган ўсишни тезлаштирувчи стимулятор, уни касалликлардан ҳимояловчи биопрепарат ҳар томонлама синов қўрилганлиги, бил-сол сингари физиологик фаол препарат биотехнологияси яратилганлиги муҳим илмий муваффақиятлардан саналади.

М.Авазхўжаев раҳбарлигида ўнлаб илм заҳматкашлари номзодлик ва докторлик диссертацияларини муваффақиятли ёқлашган. Уларнинг кўпчилиги Республикаси иқтисодиётини мустаҳкамлашга, илм-фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшибди. У мураббийлик қилган фан намоёндалари орасида чет эллик олимлар ҳам бор. Ҳозирги пайтда улардан бири Мисирнинг Александрия шаҳридаги университетда, бошқаси Шри-Ланка давлатидаги олий ўқув даргоҳида ёшларга таълим-тарбия бераётган. Ўндан зиёд муаллифлик гувоҳномалари, патентлар, монография ва бошқа илмий ишлар кўп йиллик изланишлари натижасидир. Унинг мамлакатимиз олимлари делегацияси таркибиде Польша, Югославия ва бошқа қўлаб давлатларда бўлганлиги, илмий маърузалари билан қатнашганлиги, қатор муҳофотлар билан тақдирланганлиги меҳнати юксак эътироф этилаётганлигидан далолат беради.

С.ОДИЛОВ, Х.ЖУМАБЕКОВ, қишлоқ ҳўжалик фанлари номзодлари.

Деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари раҳбарларига!

«Агриматко ЛТД» компанияси Сизларга АКШнинг Колорадо штатида етиштирилган Crimson sweet сорт ва гибрид тарвузларини тақдир этади. Crimson sweet туридаги стандарт тарвуз нави 80-85 кунда пишиб етилади.




«Ўзқишлоқҳўжалиқмаш-холдинг» компанияси ва Андижон вилоти ҳокимлиги ҳамкорлигида Балиқчи туманидаги машина-трактор ҳиссдорлик жамиятида доимий ишловчи кўргазма-ярмарка ташкил этилди.

Илгарилари фермер ўғит ёки уруғлик чигит учун заерларга югурмасди. Энди бундай оворазарчиликлар барҳам топган. Хар бир ҳудудда ёқилги тарқатиш шохобчалари ташкил этилди. Минерал ўғит ва уруғлик чигит таъминотида ҳам шундай тизим мавжуд. Аммо фермерларнинг трактор ва бошқа техника во-

ди. Кучли бандлари мевани овал-думалок шакли бўлишига ўз таъсирини кўрсатади. Меваси силлиқ, ялтироқ ҳамда сўлиб қолишга қаршилиги юқори. Пўстининг ўзига хос қўриниши, яъни ингичка тўқ яшил чиқиқлар билан кенгрок бўлган оқ яшил чиқиқлар бирикмаси харидор учун ажралиб турувчи сифат белгисини таъминлаб беради. Тарвуз фўзариум (сўлиш) ва антракноз (оқ палак)га чидамли. Вазни 9-15 кг. Ҳосилдорлиги юқори. Узок масофаларга ташиш ва саклашга мослашган.

Мурожаат учун телефонлар: «Agri-matco Ltd» (8371) 152 1735, 353 12 24

«Агро Строй Сервис Плюс» 353 12 24



Махсулот сертификатланган

Фермер эҳтиёжини ўйлаб

ситаларини харид қилишлари бир томонлама бўлиб, танлаб олиш имконияти чекланган.

Биз бундан қўз юма олмаймиз, — дейди «Ўзқишлоқҳўжалиқмаш-холдинг» компанияси бошқармаси бошлиғи А.Усмонов. — Реклам бозориде фаол иштирок этаётганлигимиз бунга сабаб бўлаёттир. Жойларда ташкил қилинаётган кўргазмаларда бу камчилигимизни аёқол кўряпмиз.

Компания тизимида йирик сановат корхоналари анча. Шулардан бештаси қўшма корхона мақомида фаолият кўрсатапти. Республикаси қишлоқ ҳўжалиги учун зарур бўлган трактор ва бошқа техника воситаларининг қарийб 80-90 фоизи компанияга қарашли корхоналарда тайёрланмоқда. Юқорида зикр этилгандек, тарғибот-ташвиқот ишларида камчиликлари борлиги сабабли қўлаб фермерлар республикамиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган махсулотлардан тўла қарбдор эмас. Ишлаб чиқарувчилар эса хамиш ҳам фермерларнинг тақдирлари билан у қадар қизиқишмаётган.

Фикримизга ойдинлик киритадиган бўлсак, компанияга қарашли қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган «BV-304-2» русумли иккам трактор савзавоткор ва бобдон фермерларга шу қадар керакки, аниггани муаммолар унинг қўмағида ўз-ўзидан барҳам топади.

Республикамизда шундай минитрактор ишлаб чиқарилаётганидан хабарим бор эди, — дейди кўргазма-ярмарка фаолияти билан

бундай мосламанинг республикамизда ишлаб чиқарилаётганлигидан беҳабар. Нархи 3,5 миллион сўм бўлган бу мослама бир йилдаёқ харажати қоллай олади.

Галпнинг лўндаси шукки, фермер қўлидаги техникаси учун зарур эҳтиёт қисмларини, асосан, бозордан харид қилипти. Шундай вақтлар бўладими, ер ҳайдайдиган омончинг тиши (лемеха) нари борса, ҳайдов трактори далани бир айланганда ишдан чиқади. Чунки, қўлдан олинган эҳтиёт қисм андозадаги металлдан тайёрланмаганда... Кўргазма-ярмарка ўтаётган жойда эҳтиёт қисмлар учун алоҳида савдо дўқони ташкил этилди.

Фермерларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган ушбу тадбир айни мудоаа бўлди. Мутасаддиларнинг таъкидлашча, иш бошлаган кўргазма-ярмарка тармоғи босқичма-босқич кенгайиб боради ва барча туманларни қамраб олади. Тадбир натижасида фермерлар республикамизда ишлаб чиқарилаётган барча русумдаги тракторлар ва техника воситалари ҳақида тўла тасаввурга эга бўлишяпти. Шунингдек, уларнинг талаб ва тақдирлари ташкилотчилар томонидан ўрганилиши ҳамда кўргазма-ярмаркада харид хоҳлаган ушбу амалга оширилиши фермерлар учун яратилган яна бир қулайликдир.

Қобилжан АСКАРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

«Пахта Банк» салоҳияти янада ошади

Мамлакатимизнинг энг йирик молия муассасаларидан бири ҳисобланган акциядорлик-тижорат «Пахта Банк»нинг жамланма капиталы 2006 йил якуни бўйича 66,2 миллиард сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 7,7 миллиард сўмга ёки 13,2 фоиз кўпайди. 2006 йил давомида мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларига жами ажратилган кредитлар миқдори 614,3 миллиард сўмни ташкил этди. Қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга техника воситалари, эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун банк ўз ресурслари ҳисобидан 351,1 миллиард сўм кредит ажратди. Бундан ташқари, 1378 та объект бўйича 15,5 миллиард сўмлик лизинг амалиёти кенг қўлланилди.

Юқорида таъкидланган рақамлар ва бошқа далиллар кўни кенча бўлиб ўтган «Пахта Банк» акциядорларининг навбатдаги умумий йиллик ҳисобот йиғилишида келтирилди. Ҳақиқатан ҳам маъзур молия муассасасининг салоҳияти йилдан-йилга ошиб борапти. 2006 йилнинг ўзиде акциядорлар сафи 576 тага қўйилганлиги ҳам бундан далолат беради. Бугунги кунда 78 мингдан зиёд акциядорларга эга бўлган «Пахта Банк» тизимидаги 13 та бошқарма, 186 та филиал ва 700 га яқин минибанклар орқали 180 миллион зиёд юридик, 250 мингга яқин ҳисомий шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатишмоқда. Аграрно-ноат комплекси таркибидеги йирик корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга банк

риш ҳам изчил давом эттирилмоқда. 68 та инвестицион лойиҳалар ана шу йўналиш бўйича молиялаштирилганлиги бундан тасдиқланади.

Йиллик ҳисобот йиғилишида муваффақиятлар таъкидла-ниши билан бирга, ютуқларни янада мустаҳкамлаш, ички имкониятлардан самарали фойдаланиш, миқозларга хизмат кўрсатишнинг замонавий усуллари кенгрок қўллаш ҳамда бошқа долзарб масалалар юзасидан қимматли тақдирлар билдирилди. Банкининг Устав капиталы 2007 йили 20 миллиард сўмдан ошириш чора-тадбирлари белгиланди. Ажратилаётган кредитларнинг ўртача фоиз миқдорини бирмунча пасайитиш қарз олувчилар сонини қўлайитириш, тадбиркорларнинг банк мададига бўлган қизиқишини ошириш, бундай ёндашув пировард натижада, хар икки томонга катта манфаат келтириш хусусидаги мулоҳаза йиғилиш қатнашчиларининг диққат-эътиборига сазовор бўлди.

Йиғилишда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, акциядорлик-тижорат «Пахта Банк»ни янада ривожлантиришнинг йўл-йўриқлари белгиланган бўлди.

С.АЛИЕВ

Утеринское свидетельство о государственном образовании Г № 536168, выданный 30 июня 1980 г. орд. ш. № 101 Чилинское районное г.Ташкент на имя Пав. Эдуарда Рудольфовича, считать действительным.

Ташкент шаҳар Чилинское тумани ИИБ томонидан 2007 йили «LORDEN BIZNES» масъулияти чекланган жамиятига берилган дуалюк муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

ООО «HOLDING GROUP SERVICES» Утеринское районное г.Ташкент (код по ОКПО №17396149) ликвидирована. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, ул.Сакошвили, 3А.

Ташкент вилоти Зангиота туманидаги «HUMO TEKSTIL INVEST» шўба корхонаси тугатилмоқда. Даволат эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел.: 150-55-41.

Ташкент шаҳар Бектемир туманидаги «ЛНД» МҲЧ тугатилмоқда. Даволат эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел.: 133-41-68.

Табиатнинг тансиқ неъмат

Халқимиз асални "бол" деб қадрлайди. Уни суйиб истеъмол қилади. Шу боис бўлса керак, энг азиз меҳмон дастурхонига асал қўйилади. Шифобахшлиги тўғрисида-ку, гапир-маса ҳам бўлади. Бироқ, уни етиштириш машаққатларидан ҳаммаё хабардор эмас. Буни асалари парваришлаган киши яхши билади.

Асаларилар меҳнаткаш ва ўта ақли ҳашаротлар сирасига киради. Улар бор-йўғи қирқ кун яшар экан. Эрта кўкларда, дарактлар гуллаганда асалариларнинг захматли ҳаёти бошланади. Улар бир кунда сал кам 50-60 километр парвоз қилиб, гулдан-гулга, турли-туман гулхаларга қўниб, бол йиғишади.

Зомин шароитида тоғларда ўсувчи турли хил гиёҳлар сероб. Шу сабабли асал йиғиш даври уч босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич эрта кўкларда. Иккинчи босқич — ёз чиласи. Учин-

чи босқич пахта гуллаган пайтга тўғри келади. Яна асаларилар лали шароитида ўсувчи оққурай, янтоқ, ковул, бўтакўз, оқбош, чакмак, ундов гулларидан ҳам бол йиғишади. Ўсимликларнинг ривожланишида асалариларнинг фойдаси бекиёс. Сабаби улар — чангланади. Чангланган асал турли-туман касалликларга қарши тўсиқ қўйилади. Оддий қилиб айтганимизда, ўсимликлар табиий, биологик эмланар экан. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томондан асал, қишлоқ ҳўжалиги ўсимликлари — пахта, кунгабоқар, ундов,



Асаларичилик

қовун-тарвуз каби маҳсулотларнинг ҳосилдорлигини гектарига 2-3 центнердан оширишга фидойи асалариларнинг меҳнати тўғрисида эришилади.

Табиат қонуни бўйича асаларилар май ойида бошлайди. Кейинги йилда она ари кўпайишга эришади. У ишчи гуруҳни етиштиради, яъни дунёга келтиради. Она ари тухуми 21 кунда ёриб чиқади.

Асалнинг шифобахшлиги ҳақида муқаддас Қуръони Карим оятларида ҳам зикр этилади. Асал истеъмол қилиш инсон саломатлигига қониқ фойда эканлиги ҳусусида улуғ бобомиз Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари" асарида тўхталиб, унинг юрак — қон томир касалликларига даво эканлигини ёзиб қолдирган.

Сулаламиз узок йиллардан буюн асаларичилик билан шуғулланиб келади. Шунинг ортидан қозонимиз қайнаб, рўзгоримиз обод. Яширмайман, асаларичилик сердармад соҳа, йил яхши келса 1-1,5 тонна юқори сифатли асал олиб, уч миллион, тўрт миллион атрофида даромад қиламиз. Зоминнинг асаларичиликка мос ҳудудлари асосан тоғли жойлар ҳисобланади. Шунинг учун йўллари ҳам эгри-бугри, ўнқир-қўнқир. Бу асалари тиркамаларнинг эркин ҳаракатланишида анча қийинчиликлар туғдиради. Лекин, бу каби қийинчиликларга қарамай тоғма-тоғ юриб бол йиғайтган асаларичилар кўп. Уларнинг меҳнати боис, юртдошларимиз асал аталмиш тансиқ неъматдан доимо баҳраманд бўлишади.

Абдумухтор ТўРАЕВ, асаларичи.

Келинжар гори афсонаси

Оқтов этакларида қишлоқлар кўп. Уларни олисдан кузатсангиз, худди тоққа яқинлашиб келиб, тўхтаб қолган кемаалар ўхшаб кетади. Оқтовуз қишлоғи эса чўққи пойга қапишиб турган қушни эслатади. Бу қишлоқнинг ўртасидан ўтувчи сой чўққини айланиб ўтиб, пастга томон шарқираб оқади. Чўққига яқинроқ келсангиз, унинг ярми ўйилиб кетгандек туолади. Жарликдаги гор оғзи киши зўрга сиққудек. Аммо, гор ичига киришгангиз билан қангайиб кетади. Бир неча юз метрга чўзилган бу горнинг ҳавоси тоза. Ёзда салқин, қишда иссиқ. Бу горни "Келинжар гори", дейишади.



...Айтишларича, ўтмишда тоғ қишлоғини қароқчи босибди. Эркаларнинг бари овга кетгани боис хотин-халалардан булак ҳеч ким ёвга қарши қишлоққа келмади. Аёллар кўллари эрларнинг яроғларини олиб, жанг қилсалар ҳамки, душманга бас кела олишмади. Шунда бу қишлоққа яқинда тушган келинчақ аёлларга болаларини олиб, олисда қўриган баланд чўққига чиқиб жон сақлашни маслаҳат берибди. Ўзи эркача қийинганча ёв билан жангга киришди. Шояд эркачларимиз бизни қўриб, ҳимоя-қилишда бўлган бўлса, де-чўққининг устига бола-чақалар билан чиқиб жон сақлаган аёллар бир неча кун қўтиб турибди. Аммо, ҳафалаб қаклик овлал, қийик отиб тоғни ичкари-лаб кетган эркачлардан дарак бўлмади.

Уч кечаю уч кўндүз ёв билан олишган келинчақ нихоят орта чекинибди. Душман эса "Бу қишлоқнинг биргина йиғити бор экан, битта бўлса ҳам бирайга, яъни тенгсиз экан, агар буни тутиб ўлдирмасак, барибир бизни бир кўнмас-бир кун топиб, қириб ташлайдим", дея унинг ортидан қўниб бораверибди.

Чўққига турган хотин-халалар жанг қилиб чекинаётган келинни отдан тушириб, Яратганга нола қила бошлашди. Чўққи, бу пайтда ёв чўққининг этагига келиб қолган экан. Шунда бўжиза рўй берибди. Чўққи қулиб, пастда тоққа тирмаётган душманларни босиб, яқон этибди. Чўққи қула-ган жарликда гор пайдо бўлиб, аёллар бола-бақралар келинчақ бошичилигида шу ерда жон сақлаб қолишди.

Йиллар ўтиб, ана шу гўдақлар ўлгайиб, мард ва доқкур йиғитлар бўлиб етишди. Уларни тарбия қилган оналари тоғдаги қаклик ва қийикларни отмасликни буюришди. Оқтовуз қишлоғи ахли уларнинг авлоди. Ҳозир ҳар пастдаги водий нихоятда обод бўлган. Аммо, бу атрофдагилар чўққи биқинидаги Келинжар горини ҳам эъзозлашади.

Бахриддин САДРИДДИНОВ, Навоий вилояти.

АВТОТРАНСПОРТ — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГ!

Россия Федерацияси "ГАЗ" ОАЖнинг Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютери —

AVTODOM plus

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт — 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринлиқли, 0,8 тонна юк кўтарувчан фуругонлар, 6-15 ўринлиқли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш инсталланган усулда!

700015, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16А-уй.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган



"Нефтчи" пешқадамликни қўлга олди

5 апрель кунини "Нефтчи" ва "Вобкент" клублари ўртасидаги ўйин билан XVI миллий чемпионат 4-тур ўйинлари бошланди. Фарғонада бўлиб ўтган мазкур учрашувда майдон эгалари лига дебютантини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

6 апрель санасида 4-турнинг яна икки беллашуви бўлиб ўтди. "Шўртан" ўз майдонига "Навбахор"га 1:2 ҳисобида имкониятни бой берди (Бу "Навбахор"нинг XVI чемпионатдаги ilk ғалабаси). Амалдаги чемпион "Пахтакор" ва "Қизилқум" ўйинида эса йирик ҳисоб қайд этилди. "Пахтакор" меҳмони бўлган зарфшонлик футболчилар 4:1 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. 7 апрель кунини "Андижон" "Локомотив" устидан 1:0 ҳисобида зафар қучди. Қаршининг "Насаф" клуби ҳам "Металлург"дан устун келди — 3:1. Яна уч учрашувда ўз майдонидан тўп сурган жамоалар рақибларига имкониятни бой берди: "Қурувчи" — "Трактор" 0:1, "Тўпаланг" — "Машъал" 0:1, "Бухоро" — "Самарқанд-Динамо" 0:2.

4-турдан сўнг барча ўйинларни ғалаба билан якунлаган "Нефтчи" 12 очко билан

турнир жадвалида қарвонбоши бўлиб олди. Кейинги ўринлардаги "Пахтакор" ва "Машъал" жамоалари ҳисобидан 10 тадан очко бор. "Насаф", "Андижон", "Қурувчи", "Қизилқум" клублари эса ҳозирча 9 очкдан жамғаришган. Турнир жадвалининг қуйи поғонасидан эса "Металлург" ва "Вобкент" клублари жой олган.

Биринчи лига жамоалари ҳам 3-тур баҳсларини ўтказишди. Лиға етакчиси "Жайхун" "Зарафшон"ни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Унинг энг яқин таъби-чиси — "Каттакўрғон-Д" "Қосонсой"дан худди шу ҳисобда устун келди.

"Машъал-2" ҳам "НБУ-Осиё"ни мағлуб этди — 2:0. Қолган ўйинлар натижалари билан танишнг: "Локомотив БФК" — "О.Ақбаров" 0:1, "Фаллор" — "Шахрихон" 3:1, "Кимёгар" — ОТМК 0:0, "Хоразм-2" — "Ромитан" 0:3, "Шўрчи-Лочин" — "Шайхонтохур" 3:3, "Цементчи" — "Октепа" 1:0, "ЎздонгЖу" — "Сўғдиёна" 0:1.

Уч учрашунинг ҳаммасида ғалаба қозongan "Жайхун" 9 очко билан турнир жадвалининг энг юқори поғонасини банд этиб турибди. Ундан кейинги ўринлардаги "Каттакўрғон-Динамо", "Машъал-2" ва "Цементчи" клублари ҳисобларида 7-тадан очко мавжуд.

Лайло пойгада иштирок этади

Аёллар ўртасида профессионал боксинг иккинчи ўрта вазини жаҳон чемпиони Лайло Али 17 апрель кунини "Toyota Grand Prix" пойғаларида ўз кучини синаб кўради.

Калифорния штати Лонг-Бич шаҳрида ўтказиладиган мусобақада афсонавий боксчи Муҳаммад Алининг қизи ғалаба қозонишни мақсад қилган.

— Мен пойгада ғалаба қозонмоқчиман. Жиддий айтишим мумкин, бунга имкониятим етарли. Бундан ташқари, бу соҳада ўн йиллик тажрибам бор ва ўзимни яхши ҳайдовчи, деб ҳисоблайман. Фақатгина трассадаги мулоқотларда эҳтиёткорона ҳаракат қилсам бас, — дея айтиб ўтган Лайло Али "Long Beach Press Telegram" газетасига берган интервьюсида.

Рингда унинг қандай қушга эга эканлигини кўп қўргансиз. Лайло Алининг трассадаги натижаларини эса вақт кўрсатади. Ташкиллат ўтаимиз, мазкур мусобақада фақат машҳур шахслар иштирок этишади.

Сафин ўзини кўрсатди

Теннис бўйича "Дэвис Кубоги" 1/4 финал учрашу-ларида Россия ва Франция ракетка усталири ўзаро баҳс олиб боришди.

Москвадаги "Лужники" спорт саройида бўлиб ўтган беллашуларда фаранглардан Пол-Анри Матте, Ришар Гаске ва Себастьян Грожан қорға чикишди. Уларга қарши меҳмонлардан Михаил Южний, Игорь Андреев, Николай Давиденко ҳамда Марат Сафин кураш олиб боришди.

Қизқариб ва мурасасиз баҳслар остида ўтган беллашуларнинг ҳал қилувчи ўйинида барча масъулиятни ўзига олган тажрибали теннисчи Марат Сафин Пол-Анри Маттега қарши баҳс юр-тиди ва 7:6, 6:3, 6:2 ҳисобларида ғалаба қозониб, жамоасини ярим финалга олиб чиқ-ди.

Энди Россия ракетка усталири ярим финалда германиялик рақибларига қарши қорға чикишади. Бу беллашулар 21-23 сентябрь кунлари Москвада бўлиб ўтади.

Фахриддин АБИЛОВ тайёрлади.

Меҳр сўрамайди

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суяқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 24-моддаси.

Яқинда қўшни республикалардан бирида яшовчи аёл ўзининг икки қизчасини ўлдириб қўйганлиги тўғрисидаги хабарни ойнаи жаҳондан эшитиб, даҳшатга тушди.

Маълумотларга кўра, бу аёл йигирма йилдан буюн мактабда болаларга сабоқ бериб келган. Эридан ажралишгач, қизалоқлар отаси билан бирга кетган учун она шу тариқа улардан қасос олган. Агар аёл қотиллик пайтида қучли руҳий стресс ҳолатида бўлган, дейилса қасбдошлари унинг ҳеч вақт соғинадиган нолимаган-лигини айтишган.

Унда қандай ёвуз куч бу аёлни ўзининг қасосида фарзандларини ўлдиришга мажбур қилди экан?

Кўзлари ҳали ҳаёт гўзалликларига тўймаган, болаликнинг шўхлиқларини ўйинқароқлиги наъшасини татиб улгурмаган қасбдошлар оқ сўт берган онаси томонидан шафқатсизларча ўлдирилганини ўйлашнинг ўзи даҳшат...

Қотил она!.. Бу икки сўзининг бир-биридан қанчалар йиқоқ-лигини англатмасми? Наҳотки "қотил" сўзи мўътабар ОНА сўзи билан ёнма-ён келса! Она-қотил, ўз фарзандларининг қотили! Нимага шундай бўлди? Барча динларда одам ўлдириш энг оғир гуноҳ саналади. Ҳар қандай қонунда ҳам инсон жонига қасд қилиш қатъий жиноятдир. Бундай гуноҳга қўл урган кишини ҳеч қачон қечириб бўлмайди, унга жазо муқаррар.

Оналик — ҳар бир аёлга берилмаган энг улуғ бахт. Афсуски, бу сийловдан баҳраманд бўлмаган хотин-қизлар ҳам йўқ эмас. Неча-неча опа-сингилларимиз фарзанд тирноғига зор. Туну-кун қалалоқ бешитганин кумор қилиб зорланганларнинг унис толасини тингласангиз ОНА бўлиш толе эканлигини қанча ҳис қиласиз.

Юракларни тўлдирган армон фарзанда айтилган биргана алла орқали уни тарқ этади. Бола қулгусидан сиз ҳам ярайсиз, унинг шўхлиқларидан яшаргандай бўласиз. Унинг биринчи бор "она" деб айтган сўзини эшитганда тилингиз шўқроналикка келади. Сизга сунган қўйи илк бор ташлаган қадимлари пойга азиз қула-чонни "тўтиё" қиласиз. Буларнинг бари оналик бахтининг атиги бир бўлаги!

Уша бадбахт аёл ҳам вақтида ана шундай ҳислар оғушида бўлмаган, дея ким айта олади. Наҳотки, бу оқиза тундари қизалоқларига алла айтиб, қўнғил гуворларини юзмаган бўлса? Бу ҳислар фақат унинг ўзигагина аён. Ҳислар, туйуқлар мўқаддас. Унинг мўқаддаслиги эса инсон қалбининг ҳеч қим идрок этолмайдиган олис

Мушоҳада

ўрнини аллақандай қаҳр-ғазаб, нафрат эгаллабди. Тонг чоғи уйига қайтган йиғит волидаси музлаган ҳарсанг тош устида ўтирганлини қўриб унинг бағрига отилибди. Қаҳр-ғазабдан "қўқарган" она шу ондаёқ бағридаги боласини ўз қўллари билан бўғиб ўлдирибди...

Айтишларича, онанинг меҳр юки шўначалик залворли эмишди, унинг қудратини ҳеч нарсасига менгазб бўлмайди. У фарзандига бор меҳрини беради-ю эвазига ҳеч нарсаси олмади. Шундай экан, нега фарзанд бўлиб унга меҳр бермас-лигимиз керак? Оромини йўқотган кечалари ҳаққи нега ундан эътиборимизни аяшми-зи, нега уни турли ҳақорат-ли сўзлар билан қийнашми-зи керак? Нега она ўз фарзанди дийдорни учун ёки умр йўлдошининг қилмишлари тўғрисида қўл урушга мажбур бўлади?

Маълумотларга кўра, Республикасиз мексикада ҳам аёллар жиноятчилиги сони йил сайин ошиб бораётди. Истаимизми-йўқми, бу жамиятимиз учун маълум муаммоларни туғдиради. Ҳар бир оилада, энг аввало, фарзанд тарбиясига она масъулдир. Агар онанинг ўзи "тарбия"га муҳтож бўлса, айрим

нохуш хатти-ҳаракатлари сабаб отанинг оиладаги роли, ҳурмати сарик қақалик қиймати қолмаган бўлса, у ҳолда оиладаги болалар тақдирини қандай бўлади? Нима учун аёл ўз эрининг қотилига айланмоқда? Нега бундай қотиллик фарзандлар ҳам жалб қилинмоқда? Шу йилнинг январь ойида жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судида қўрилган қотиллик ишнинг асл ташкилотчиси ҳам аёл...

Муюсар Жуманиёзова эри Улугбек Жуманиёзов билан йигирма йилдан зиёдроқ вақт давомида бирга умр кечирди. Шу йиллар давомида эрининг ичкиликдан боши чикмади. Уйда бор нарсани сотиб ичди. Орада фарзандлар ҳам дунёга келди. Ичкилик отани қасод қилди. Она ҳам эр, ҳам хотин бўлиб оила тебратди, фарзанд катта қилди. Ота ҳар кун ичиб келиб уйда жанжал кўтарар, она эса жони бўғзига келгунча эрни ҳақоратлар, оила ҳаёти шу қўйи давом этарди. Халқимизда агар отанг тентак бўлса боғлаб бок, деган гап бор. Аммо пароканда оилада улғайган болалар бу иборанинг маънисига қайдан тушуниш? Уша кунини ичиб келган ота ана жанжал чикариб, уйни бошига кўтарди. Аёл ҳам кўзи қонга тўлиб, фарзандлари билан биргаликда маст ҳолдаги отани шафқатсизларча уриб, бошидаги рўмоли билан уни бўғиб ўлдириди...

Шу йилнинг май ойида Наманган вилояти Учкўрғон тумани судида ана бир аёл устидан ҳукм ўқилди: "Атамирзаева Гулбаҳор Раҳмонбердиевнага Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 57-моддасига асосан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган..." Энди ўттиз беш ёшга қарашлаган бу аёл ҳам бир инсоннинг қотилига айланди. У маст ҳолдаги эрини аччиқ ва алам устида, қасадан темир арматура билан ваҳшийларча уриб ўлдирган...

Шуни афсус билан эътироф этамизки, ҳар иккала қаттолликда ҳам аёл жиноятчи, аёл қотил. "Нега шундай бўлди, бунга ким айбдор?" деган оғриқли савол пайдо бўлади. Келинг бу саволга жавобни излашдан олдин бир бор қалбимизга қўлак солайлик.

Орузгул РУСТАМОВА

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Саид АХМАД, Ўткир РАҲМАТ, Ағитай АДИЛОВ, Ўқтам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Гафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агротехно-комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа қадҳдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:

Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 136-58-83, 136-56-25, Котибият — 133-95-17, Реклама ва эълонлар — 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс — 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон — 8-374-22-234-08; Бухоро — 8-365-22-644-61; Жиззах — 8-372-22-606-34; Навоий — 8-436-22-60-525; Наманган — 8-369-41-234-23; Фарғона — 8-373-61-221-97; Самарқанд — 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё — 8-376-46-526-61; Сирдарё — 8-367-37-23-813; Тошкент — 8-371-136-56-21; Хоразм — 8-362-22-623-50; Қашқадарё — 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

① — тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи:

А.КУЛМУРДОВ
Саҳифаловчилар:
Р. ЕДГОРОВ,
А. СОФОНОВ
Бош мусоҳҳи:
Х.ТОШҲУЖАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.
E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Буюртма Г-317, ҳажми 2 босма табоқ,

Офсет усулида босилди, қорғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.10. Босишга топширилди: 21.10. Адади — 17910

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6